МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА РАМЗИЙЛИК

Д.АБДУЛЛАЕВА

Мақолада шоир Муҳаммад Юсуф шеъриятидаги рамзларнинг моҳияти, қўлланиши, функцияси ўрганилган. Табиат унсурларининг рамзий маъно ифодалаши, рамзларнинг тарихий илдизлари каби масалалар таҳлил этилади.

Калит сўзлар: *рамз, мифопоэтик анъана, табиат унсурлари, кўчма маъно,шартлилик, поэтик олам, эстетик категория.*

В статье исследуются вопросы применения символов, их значение, функции в стихотворном творчестве Мухаммада Юсуфа. Рассматривается символическое значение природных явлений, а также и х исторические корни.

Ключевые слова: *символ, мифопоэтическая традиция, природные явления, переносное значение, условность, поэтический мир, эстетическая категория.*

This article provides interesting facts concerning the use of symbols, their meaning and functions in the poetry of a well-known Uzbek poet Muhammad Yusoof. The author studies the symbolic meanings of natural phenomena as well as their historical roots.

Key words: *symbol, mythopoetical tradition, natural phenomena, aesthetic category, metaphorical use of meaning, conditionality, poetic world.*

Оламни рамзлар орқали идрок этиш, тасвирлаш ва ҳис қилиш инсон тафаккури тадрижининг илк босқичларидаёқ шаклланган. Образли тафаккурнинг кўринишларидан бўлган рамзнинг ҳаётда ва адабиётдаги аҳамияти катта. Рамзлар замирида яширин ўхшатиш кузатилади, бироқ рамзга асос бўлган нарса билан у орқали моҳияти очиб берилаётган нарса-ҳодиса ўртасида ташқи ўхшашлик ёки алоқадорлик бўлмайди. Шунингдек, рамз аллегориядан фарқланади, у матн таркибида ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўлланади. Рамзларнинг қўлланиш доираси жуда кенг, унинг тарихий илдизлари мифларга бориб тақалади [5.379]. «Символизм вербал санъат, Рембонинг формуласи шаклида айтганда «сўзнинг алхимияси»дир. Символизм учун санъатнинг асосий тури адабиётдир» дейди Ю.Борев [1.496]. Демак, символ тасвир объектининг моҳиятини шартли ифодаловчи сўз ёхуд предметдир.

Муҳаммад Юсуф яратган бадиий образлар олами рамзлар, мотивлар, мавзуларнинг хилма-хиллиги, содда, айни чоғда мушоҳадага чорловчи кўпоҳанглилиги билан эътиборни тортади. Шоир шеъриятида кўплаб образларнинг символ (рамз) даражасига кўтарилганини кузатиш мумкин.

Инсон яралибдики, ўзини табиатнинг бир бўлаги деб тасаввур қилади. Қадимдан инсоннинг табиатдаги турли нарсаларга эътиқод қилиши сабаби ҳам ана шу тасаввурнинг мавжудлигидир. Ҳар ҳолда, қайси замон бўлмасин, инсон ўзини табиат билан бир деб билган ва унга эзгу муносабатда бўлишга ҳаракат қилган. Табиатга алоҳида меҳр қўйган ижодкорлар Сетон-Томпсондан Лев Толстойгача, Пушкиндан Ч.Айтматовгача, Чўлпондан Муҳаммад Юсуфгача – барчасининг асарларида табиат неъматлари, ҳодисалари ардоқланади, рамз сифатида у ёки бу поэтик мазмунни ташийди.

Шоир шеъриятида гул, ялпиз, қизғалдоқ, райҳон, терак, тол, от, капалак, тўти, қарға, осмон, ер, булут, турна, оҳу, жайрон каби образлар учрайди. Улар шоирнинг табиатгагина ёки бирор воқеликка муносабатинигина англатиб қолмай, матн ичида кўчма маънода келади. Унинг шеъриятида қўлланадиган одатдаги содда сўзлар замирида шоир назарда тутган рамзийлик бор, бу сўзлар бошқа сўзлар билан бирлашиб шоирнинг поэтик оламини ташкил қилади. *Кўнглим сезар, энди буёғи аён, / Дўстларим, дўстларим, бахтли боламан:/ Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан / Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида /Ялпизга суяниб ўлиб қоламан!*

Ялпиз – миттигина ёввойи гиёҳ. Шеърнинг юзадаги маъносидан лирик қаҳрамоннинг табиат неъматига ўзини яқин тутишини англаш мумкин. Лекин ялпиз сўзи остида «она ватан», «туғилган юрт», «қадрдон гўша» тушунчалари китобхон онгида савқитабиий равишда пайдо бўлади. Иккинчи томондан, шоир томонидан нега айнан ялпизнинг, яъни ёввойи ҳолда ўсувчи гиёҳнинг танланиши ҳам ўқувчида чуқурроқ мушоҳадага туртки бера-

ди. (Ялпиз –сунъий ишлов берилмаган, маданийлашмаган ўсимлик). Айни пайтда ялпиз образи миллий колоритни ҳам ифодалайди. «Ялпизга суянмоқ» бирикмаси эса фақат М.Юсуф ижодигагина хос оригиналликдир. Яна бир ўринда шоир ўзини «ёлғиз ялпиз» деб атайди. *Мен кимман? Бир ёлғизман / Сув бўйида бир ялпизман./ Оқизиб кетмайсан нега / Қуёшга қараб оққан сув?* [6.83]. Одатда, ялпиз хушбўй бўлиб, ариқ бўйларида ўсади. «Ёлғиз», «бир ялпиз» бирикмалари шоирнинг руҳий ҳолатини ифодаламоқда. Шоир ижодида ялпизга бағишланган бир бутун шеър борки, ялпиз лирик қаҳрамоннинг «энг яқин кишиси» тасаввурини беради: *Сен жилға бўйида сарғайган синглим,/ Мен уммонда сенга муштоқ оғангман.*

Маълумки, символ (юн. simbolon сўзидан олинган) белги маъносини билдириб, универсал эстетик категория ҳисобланади. Кенг маънода символ образдир, шунингдек, ҳар қандай образда шартлилик ва рамзийлик бўлади. Луғатларда келтирилишича, символ шартли белги, тимсол, аломат, нишон (бирор тушунча ёки ғоянинг символик белгиси); масалан, *оқ каптар – тинчлик тимсоли (тинчлик аломати)* [4.378]. М.Юсуф шеъриятида ялпиз «сохта эмас – табиий», «хушбўй»(хушбўй бўлганда ҳам ёқимли, меъдага тегмайдиган), «митти»лик белгиси бўлиб, «ёлғиз» шахсга ишора уйғотади. Майса, райҳон, ялпиз каби ўтлар орқали шоирнинг қайғуси, хушкайфияти, соғинч ҳислари, армонлари, кўнгил хотиржамлиги ифодаланади.

Табиат фасллари шоир лирикасида ўзига хос рамзий маъно ифодалайди: Баҳор ёшликни, ёз қувноқлик, куз маҳзунлик, қиш беғуборлик рамзи бўлиб келади. М.Юсуфнинг «Кўкламойим» шеърида кўклам нафақат баҳорни, балки мустақиллик, озодлик рамзини англатади. *Кел-да энди соғинтирмай одамни,/ Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,/ Қорлар кураб кўмиб келдим отамни/ Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим* [6.69].

Абдулҳамид Чўлпон «Кўклам келадир» шеърида *«Кўкламойнинг ипак кўйлак этаклари судралиб,/Қора ернинг бошларини силаб-сийпаб келадир, / У силашдан, у сийпашдан қувват олиб,куч олиб,/Қора ер ҳам кўксидаги олтинларни берадир»* дея Кўкламой образини яратган бўлса, М.Юсуф лирикасидаги «Кўкламой» ҳам шунга ҳамоҳангдир: *Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,/ Кокилига толпопукдан соч илсин./ Бойчечакка борар йўллар очилсин –/Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.*

Фасллардаги ранглар лирик қаҳрамон руҳияти билан уйғунлик касб этади. Айтиш мумкинки, шоир лирикасида ўзига хос ранглар гаммаси рассом палитраси сингари намоён бўлади. Кўк ранг яшармоқ ва ёшликни англатади. Товушларнинг ўзаро монандлиги ҳам шоир урғу бераётган мазмунга хизмат қилади. Куз одатда ҳосил берувчи мавсум сифатида тушунилади. Шоир қаламида у маҳзунлик, ўйчанлик ифодасига айланади. *Кўнглим айвонида куз ҳуштак чалар,/Кўзимдан ёш бўлиб ёғади япроқ./ Дўстларим – такаббур шоир-ваччалар / Ўзларин севишар ёридан кўпроқ.*

Куздаги табиатнинг кўринишини шоир соғинчнинг ранги сифатида («сарғайган») тасвирлайди: *Куз – мени соғиниб сарғайган онам – Йиғлайди, бу йил ҳам келмади болам* [6.53].

Нутқимиздаги фаол сўзлар шоирнинг бадиий маҳоратига кўра кўплаб маъноларни англатади, муайян сўз шоир лирикасида рамзий образ даражасига кўтарилган. Китобхон ёки ўқувчининг билим даражаси муаллиф назарда тутган рамз сифатида тақдим этган тушунчаларни англашда муҳим. «Юлдуз», «осмон», «гул», «булбул», «тош», «капалак» табиат унсурлари сифатида эмас, сўз ишора, сўз рамз тарзида қабул қилинади. Болани тойчоққа, баҳорни келинчакка ўхшатмаган ўзбек бўлмаса керак. Шоирлар қаламида барчага маълум тимсоллар эса ўзига хос поэтик рамзларни англатади. Муҳаммад Юсуф лирикасининг хусусиятларидан бири шоир ўзи туйган кечинмаларни гуллар воситасида етказишидир. Ғунча эса келажакда амалга ошадиган ҳаракат мазмунини билдиради. Гуллардан қизғалдоқ М.Юсуф шеъриятида марказий ўринда турувчи рамзга айланган. Бу образ шоирнинг ўнлаб шеърларида қўлланади. Ҳатто бу гул шоир лирикасининг асосий атрибути даражасига кўтарилган, дейиш мумкин. Шоир бир шеърида севгини лолақизғалдоққа ўхшатар экан, «тегинмай бўлмайди, тегсанг тўкилар», деб таърифлайди, яъни севги кўзга тез ташланадиган қизил ранг каби ўзига одамни тортиши ва гулни ушлаганда, унинг тўкилишини гўё севгининг барбод бўлиши, жавобсиз қолишига таққослайди.

Ижодининг дастлабки даврларида ёзилган *«Томлардаги қизғалдоқ, / Юлдузлар бодроқ-бодроқ»* [6.44], *Осмонларга термулиб ётдим/ Томда синглим қизғалдоқ билан* [6.7] мисраларида болалик хотираларини ифодалаган бўлса, шоир ҳаётининг кейинги босқичларида абадийликка кўчиш, ҳасрат ва видонинг рамзи сифатида келади: *«Қизғалдоғим, қирдан бўлак кошонанг йўқ»*; *«Қизғалдоқдай бошим эгик бу маконда / Ёниб яшаб ўтмаган отажоним бор»* [6.79]; армон ва хотира рамзини ифодалайди: *Бу қиз қўлим етмас қизғалдоқ энди,/…кеча жамалаксоч қизғалдоқ эди.* Қизғалдоқ шоирнинг талқинида маҳзун инсоннинг, дардманд кўнгилнинг символик образидир: *Мининг куйган кўксимда / Қизғалдоқлар йиғлайди.*

Шоирнинг қизғалдоққа ошуфталигининг сабаби нимада экан? Қизғалдоқ рамзи нималарни англатади? Қизғалдоқ антик даврлардан бошлаб ўсимлик оламининг уйқу ва ўлим даврини билдирган. Мифопоэтик анъана ҳам уйқу ва ўлим билан боғланади. Юнон мифологиясида қизғалдоқ уйқу маъбудлари ака-ука Гипнос ва Таноисларнинг атрибутидир. Икки ака-ука ер остида яшайдилар. Гипнос қизғалдоқ ёрдамида уйқу келтиради ва ҳаммага хотиржамлик бағишлайди. Рим мифологиясида Церера Прозерпинни ер юзи бўйлаб тинимсиз излайди, шунда маъбудлар Цереранинг ҳар бир қадамида қизғалдоқларни пайдо қилишади, у қизғалдоқларни териб олиб ухлаб қолади. Одатда, қизғалдоқ Церерага аталган, дейилади, баъзан эса Дианага ҳам деб юритилади. Миф ва фольклорда (хусусан, инглиз фольклорида) қизғалдоқ ўлдирилган одам ёки муқаддас Маргарита томонидан ўлдирилган аждарҳонинг қонидан пайдо бўлади, деган тушунча ҳам мавжуд бўлган [5.90]. Шарқ халқларида ҳам қизғалдоқ ҳақида турли тасаввурлар шаклланган. Унинг асосан қабристонларда ўсиши, уни узиб ёки териб бўлмаслиги ҳақида инончлар бор.

М.Юсуф шеъриятининг сўнгги босқичидаги аксарият шеърларда қизғалдоқ образи орқали лирик қаҳрамон қалбининг драматизми берилиб, қизғалдоқ видо рамзини англатувчи поэтик образга айланган. Муҳаммад Юсуфнинг лирик қаҳрамони ўлимдан ҳеч қачон қўрқмайди, айни пайтда у ҳаётни жуда севади. Адабиётшунос Қ.Йўлдошев шоир лирик қаҳрамони ҳақида «ҳаётга бериладиган ва олинадиган неъмат деб қарагани боис унга ўлим қўрқинчли эмас» [3.291] деган эди. Дарҳақиқат, шоирнинг аксарият шеърларида маҳзунлик, ғамгинлик оҳанглари бўртиб туради. Айни пайтда бундай сатрлар ўқувчини ҳаётга тийрак нигоҳ билан қарашга ўргатади.

Терак, тол, чинор юртимиз табиатига хос бўлиб, «Таниш тераклар»да улар ватан рамзи бўлиб келади. «Ватаним»да эса чинор рамзи орқали минг йиллик тарихга ишора бор («Бош эгиб турган чинорим»). Худди рус шеърияти учун оққайин асосий атрибут бўлгани каби, терак, тол ёки чинор ҳам ўзбек шеърияти учун шу қадар муҳимдир.

Капалак рамзи одатда шеъриятда енгил, нозик, қисқа умр кўрувчи маъноларини англатади. Пейзаж лирикасида динамик эффектни беришда қўлланади. Кўп ўринларда бу образ махсус матнда тушунишни талаб қилади. Капалак тасвирида бир неча поэтик контекстларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) табиат тасвирида ҳашаротлардан бири; 2) ҳаёт, илҳом, муҳаббат, ёр ҳақидаги ўйлар; 3) икки олам оралиғидаги воситачи; 4) бегуноҳ ва жабрдийда инсон рамзи.

Қадимда капалакка муносабат турли халқларда ҳар хил бўлган. Бироқ ҳамма халқлар учун универсиум бўлган ҳолат капалакда ўлган инсон руҳининг бўлишига ишончдир. Агар реал фактларга эътибор берилса, капалакда трансформация жараёни кечади, унинг дастлабки ҳолати, ғумбакка айланиши ва капалак бўлиб учиб чиқиши ҳамда ҳеч нарса билан озиқланмаслиги, сўнг бир кун ҳаёт кечириши. Мана шу ҳолат унинг осмон ва ер оралиғидаги мавжудот дейишга асос беради.

Шоир эътиборини тортган нуқта капалакнинг қисқа умр кўриши ва беозорлигидир. Шу боис капалак қисқа яшовчи, ҳимояга муҳтож, бегуноҳ инсон рамзини англатади. *Атиргулдан юмалади капалак, Оқ упаси Сомон йўли бутоқда. Сен ҳам кетсанг ким қолади, капалак, Мен ёлғизман, тўти тўла бу боғда* [6.92]. Капалак одатда гуллар билан параллел қўлланади. Унинг учиш функцияси эса қушларга алоқадор. Бу ўринда капалак ва тўти рамзлари ўзаро зидланади.

Шеърдаги рамзийлик матн таркибида аниқланади. Шоир лирикасида рамзий образлар аксарият табиат унсурларидан иборат. Гуллар ва майсалар тасвири орқали гоҳо лирик қаҳрамоннинг патетик кайфияти, гоҳо маҳзун кечинмалари берилади. Ялпиз рамзи оддийлик, нафислик, табиийликни ифодалайди. Қизғалдоқ шоир қалбининг драматизмини кучайтирувчи образ сифатида келади. Муҳаммад Юсуфнинг поэтик олами ранг-баранг образларга, рамзларга бой, унинг шеърияти серқатламлилиги билан ажралиб туради. Рамзлар замирида шоир айтмоқчи бўлган фикрлар, поэтик умумлашмалар акс этади. Рамзлар, бадиий деталлар ўз маъносидан бошқа кўчма маъноларга ишора қилади. Бу эса китобхонни бадиий завқ олишига, адабиётшуносни эса рамзларни чуқурроқ таҳлил этишга ундайди.

Адабиётлар:

1. Борев Ю. Эстетика. – М., 2005.

2. Давронова М. Муҳаммад Юсуфнинг поэтик маҳорати. Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т., 2008.

3. Йўлдошев Қ. Ҳамиша навқирон шеърият. / Китобда: Ёниқ сўз. – Т., 2006.

4. Литературный энциклопедический словарь. – М., 1987.
5. Мифы народов мира. Энциклопедия. Т.2. – М., 1988.
6. Муҳаммад Юсуф. Сайланма. – Т., 2002.
7. Муҳаммад Юсуф. Кўнглимда бир ёр. – Т., 1991.
8. Муҳаммад Юсуф. Эрка кийик. – Ёзёвон, 1992.
9. Муҳаммад Юсуф. Булбулга бир гапим бор. – Т., 1997.

Андижон давлат университети,
2014 йил 29 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)